



# Халқ сўзи

Ўзбекистон –  
келажаги  
буюк  
давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 17 октябрь, № 212 (8835)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## Йўлларимиз энг юқори талаблар асосида барпо этилади

Президент Шавкат Мирзиёев 16 октябрь куни йўл хўжалиги соҳасида қилинган ишлар ҳамда келгусидаги устувор вазифаларга оид тақдимот билан танишди.

Автомобиль йўллари — иқтисодиётнинг “қон томири”. Шу боис мамлакатимизда бу соҳага алоҳида эътибор қаратилиб, иш кўлами ва сифати ошириб боришмоқда. Хусусан, илгари 2009 — 2016 йилларда 9 триллион сўм эвазига минг километрдан кўпроқ йўл қурилган ва 20 минг километри таъмирланган бўлса, сўнгги саккиз йилда бу кўрсаткичлар 6 баробаргача ўсган. Яъни соҳага 58 триллион сўм ажратилиб, 2 минг километр йўл барпо этилган, 100 минг километри таъмирланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 октябрдаги қарорига мувофиқ йўл хўжалиги тизими янада такомиллаштирилди. Хусусан, лойиҳалаш, қуриш, эксплуатация учун масъуллар аниқ белгилаб қўйилди, буюртмачи ва пудратчи функциялари бир-биридан ажратилди.

Йўллари илмга асосланиб, замонавий ёндашувлар асосида қуришга эътибор қўйилди. Масалан, лойиҳа ҳужжатларининг намунавий андозаларидан воз кечилиб, ҳар бир ҳудуднинг геологик ва экологик хусусиятидан келиб чиқиб усулига ўтилди. 1 минг 700 та махсус техника харид қилиниб, йўл

хўжалиги корхоналарининг таъминот даражаси оширилди. Янги турдаги асфальт-бетон, цемент-бетон қопламалар жорий этилди.

Натижада сифат ҳам ўзгаряпти. Янги қурилган йўлларнинг эксплуатация мuddати 15 — 20 йил бўлади. Уларнинг ҳолати 42 турдаги кўрсаткич бўйича текшириб борилади. Жаҳон банкининг грант маблағлари ҳисобидан олиб келинган техникалар йўлнинг физик ҳоссаларини баҳолаш ҳамда ер остидан ўтган коммуникация тармоқлари ҳолати қопламани бўзмаган ҳолда текшириш имконини беради.

Кўчалардаги ободлик “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасининг, умуман, маданиятимизнинг бир қисми. Ҳар мавсум уларнинг икки кетида кўчалар қўнғир бўлади. Шунингдек, дарахтларни парваришlash учун йўллар бўйидаги ер майдонларини ижарага бериш жорий этилди.

Тақдимотда соҳадаги лойиҳалар ва режалар ҳақида ахборот берилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таҳлилига кўра, сифатли йўллар Ўзбекистон иқтисодиётининг камида 2 фоиз ўсишига

туртки беради. Бугунги кунда халқаро молия ташкилотлари билан 729 километр йўлни реконструкция қилиш бўйича 6 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Жумладан, яқин кунларда Кўнғирот — Бейнау йўналишидаги 240 километр йўл фойдаланишга топширилади. Шунингдек, Гулистон — Андижон, Душанбе — Термиз, Бухоро — Туркманбоши, Урганч — Ҳазорасп йўлларининг муайян қисмлари қайта қурилади.

Соҳага хусусий сектор вакиллари ҳам кенг жалб қилинмоқда. Худудлардаги жами 260 километр йўлларнинг эксплуатацияси аутсорсинг асосида тадбиркорларга берилди. Осиё тараққиёт банки лойиҳаси доирасида 841 километр йўл қурилишида илк бор тўлиқ маҳаллий пудратчилар қатнашишига келишилди.

Давлатимиз раҳбари соҳадаги муҳим вазифаларни кўрсатиб ўтди.

— Ўзбекистоннинг географик жойлашувини эътиборга олсак, ташқи савдода халқаро йўлларнинг аҳамияти жуда катта. Шу боис Андижон билан Кўнғиротни, Термиз билан Тошкентни боғлайдиган жами 4 минг километрлик халқаро йўлларимиз энг юқори

талабларга жавоб бериши шарт, — деди Шавкат Мирзиёев.

Тошкент — Самарқанд ва Тошкент — Андижон ораллигидаги пулли йўл лойиҳаларини жадаллаштириш, уларни қатнов даражаси юқори бўлган участкаларда қуриш зарурлиги қайд этилди. Бундай ҳолларда муқобил бепул йўл мавжуд бўлиши алоҳида қонун билан белгиланади.

Бугунги кунда 4 минг 700 та кўприк таъмирталаб ҳолатда. Ҳар йиллик дастур ишлаб чиқиб, уларни босқичма-босқич таъмирлаш вазифаси қўйилди.

Худудларда йўл бўйи инфратузилмаси ривожлантирилиб, савдо ва хизматлар ташкил қилинмоқда. Тақдимотда айтилганидек, бунга қўшимча қарийб 4 минг километрлик халқаро автомагистралларда 70 та сервис мажмуаси барпо этилади.

Йўл ва сув тармоқлари каби инфратузилмавий лойиҳаларда халқаро молия институтлари билан яқиндан ишлаш, хорижий консултантларни жалб этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ў.А.

### Дебат

## ВАКИЛЛАРИМИЗ ТОМОНИДАН ГЛОБАЛ МУЛОҚОТНИ КУЧАЙТИРИШ ТАКЛИФИ БЕРИЛДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Парламентлараро Иттифоқнинг 149-ассамблеяси доирасида ташкил этилган “Тинч ва барқарор келажақ учун фан, технология ва инновациялардан фойдаланиш” мавзусидаги дебатда иштирок этди.

Унда Ўзбекистон томонидан кейинги йилларда илм-фанни ривожлантиришга қаратилган амалий ишлар олиб борилаётгани, бу борада қисқа вақтда кўллаб ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилингани алоҳида таъкидланди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида илгор технологияларни жадал жорий этиш, саноат тармоқларини рақамлаштириш асосий йўналишлар қаторида белгиланган таъкидланди.

Амалга оширилаётган ислохот-

лар натижасида Ўзбекистон 2023 йилда Глобал инновациялар индекси рейтингига 2015 йилдагига нисбатан 40 поғонага кўтарилгани алоҳида эътироф этилди.

Дебат давомида вакилларимиз томонидан келгусида инновация соҳаларини рағбатлантириш, парламентлар ўртасида кадрлар салоҳиятини ошириш ва ривожлантириш йўналишида ҳамкорлиқни, фан ва технология соҳасида глобал мулоқотни кучайтириш ташаббусини илгари сурди.

## ЖЕНЕВАДА ЎЗБЕКИСТОН КУНИ

Парламентлараро Иттифоқнинг 149-ассамблеяси доирасида мафтункор юртимиз ва амалга оширилаётган ислохотлар намойишига бағишланган Ўзбекистон куни ташкил этилди.

### Тақдимот

Унда турли мамлакатларнинг делегациялари, парламент аъзолари, халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Тадбир қатнашчиларига бой тарихга эга юртимиз, кадриятларимиз ва маданий меросимиз акс этган видеоролик намойиш қилинди. Мазкур ролик уларда ўзгача та-

ассурот қолдирди. Ўзбекистоннинг туристик салоҳиятини акс эттирувчи экспозиция эса хорижлик ҳамкорларимизнинг мамлакатимиз ҳақидаги тасаввурини янада бойитди.

Шунингдек, келгуси йилнинг апрель ойида режалаштирилган Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси муносабати билан Ўзбекистон Республикаси тақдими бўлиб ўтди.

### Учрашув

## КУН ТАРТИБИДА — ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ВА ИСТИҚБОЛДАГИ РЕЖАЛАР

Хабарингиз бор, Ўзбекистон кейинги йилларда Халқаро меҳнат ташкилоти билан самарали ҳамкорлиқни амалга ошириб келмоқда. Мамлакатимизнинг ХМТ Мазмурий кенгаши аъзоллигига сайлангани эса Президент Шавкат Мирзиёевнинг бу соҳадаги ташаббус ва савб-ҳаракатларининг яна бир глобал мижёсдаги эътирофидир.

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Женевага расмий ташрифи доирасида Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) бош директори Жилбер Унго билан учрашув ўтказди.

Унда ҳам айнан ҳамкорлиқнинг янги босқичи, олдинги учрашувларда эришилган келишувларнинг ҳолати ва натижаларига эътибор қаратилди. Жумладан, муносиб меҳнат тамойилларининг тизимли татбиқ этилиши ҳамда ХМТ билан ижтимоий адолат Глобал коалицияси доирасидаги ҳамкорлик ва истиқболдаги режалар муҳокама қилинди.

«Халқ сўзи».

### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## Ҳаётий масалаларга оид халқчил нормалар

Аввал хабар берилганидек, куни кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар томонидан қатор муҳим масалалар, жумладан, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг муҳофазасини кучайтириш, темир йўл транспортида юк ташини кенгайтириш, жонли ижро санъатини янада ривожлантириш, энергетика соҳасида тўлов интизомини мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қонун лойиҳалари қизгин муҳокама қилинди. Шунингдек, тегишли вазирликларга юборилган парламент сўровларига жавоблар ҳам атраққийёт қўриб чиқилди.

### Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси муҳофазада

Бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг муҳофазасини кучайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Мажлисда мамлакатимизда атроф табиий муҳитни муҳофаза этиш, биологик хилмаҳилликни асраш, камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимликлар ҳамда ҳайвонларнинг барқарор яшаш ва ўсиш шароитларини таъминлаш мақсадида тизимли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Лекин шунга қарамай жойларда тақиқланган қуруллар ёки усулларни, хусусан, электр токи, портловчи ва кимёвий моддалар ҳамда биологик препаратларни қўллаган ҳолда ов қилиш

ва балиқ овлаш ҳолатлари ортиб бормоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси билан Жиноят ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузганлик учун жавобгарлиқни кучайтиришга қаратилган қўшимча қўриқилмоқда.

Шунингдек, “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги ҳамда “Ов қилиш ва ов хўжалиги тўғрисида”ги қонунларнинг нормалари бир-бирига мувофиқлаштирилди. Ушбу қонунлардаги ов қуроли, жумладан, балиқ овлаш қуроли билан боғлиқ ҳуқуқий бўшлиқлар бартараф этилмоқда.

Бундан ташқари, кимёвий, биологик ва бактериологик воситалардан фойдаланган ҳолда, шунингдек, бинолар, иншоотлар ёки бошқа объектларни қуриш, қайта

қуриш, реконструкция қилиш ёхуд ўз худудида қўшимча бино ва иншоотларни қуриш ҳамда капитал таъмирлаш вақтида дарахтларга, буталарга ёки бошқа ўсимликларга қасддан шикаст етказиш, пайҳон ва ноҳуд қилганлик учун жавобгарлик белгиланяпти.

Мажлисда қонун лойиҳаси ҳайвонот ва ўсимлик дунёси муҳофазасини кучайтириш, давлат экологик назорати институти самарадорлигини оширишга қаратилгани билан аҳамиятли экани қайд этилди.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

### Имтиёзлар янада кенгайтирилади

Депутатлар томонидан қўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — “Нодавлат умумий ўрта таълим жараёнига тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”-ги қонун лойиҳаси бўлди.

➡2

## ЯНГИЛАНИШЛАР ЖАРАЁНИГА ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ ВА МАСЪУЛИЯТ



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Бугунги кунда юртимизнинг барча худудида бўлгани каби Тошкент вилоятида ҳам юз бераётган ижобий ўзгаришлар, янгиланишларни кўриб беҳад қувонасиз. Катта-катта марраларни кўзлаб амалга оширилаётган ислохотлар самараси аҳолини фаровонликка, тараққиёт сари дадил етаклаб борапти.

Давлатимиз раҳбарининг куни кеча ушбу худудга ташрифи истиқболли лойиҳалар, ташаббуслар ва имкониятлар эшигини очиб, янги “ўсиш нуқтаси”ни аниқлаш имконини берди, десак, муболага бўлмайд.

### Акс садо

Шу ўринда қайд этиш жоизки, вилоятнинг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш, шаҳар ва туманлар аҳолисининг фаровонлигини ошириш ва турмуш сифатини яхшилашда Юртбошимизнинг “Тошкент вилоятининг маъмурий-ҳудудий тузилишини ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Бинобарин, кўрилаётган чоралар туфайли 2021 йилда худуднинг камбағаллик даражаси 23,2 фоиз бўлган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 10,2 фоизга ташкил қилмоқда. Бундай натижа-ларга эришишда аҳолини замонавий касб-ҳунарларга ўқитиш, уларга муносиб иш ўринлари яратиш, тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қув-

ватлашга қаратилган тизимли ва узоқни кўзлаган сиёсат ҳал қилувчи омил бўляпти.

Вилоятда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, янги иш бошлаётган тадбиркорларга ҳар томонлама қулайлик яратишга қаратилаётган эътибор ушбу соҳанинг изчил ривожланишига кенг йўл ва имконият очиб бермоқда. Бу орқали аҳолининг тадбиркорлик қилишга иштиёқи кундан-кун ошяпти. Буни пойтахтимиздаги айрим корхоналар инфратузилма яқинлиги, ер, мулк солиғи, ишчи кучи арзонлиги учун Тошкент вилоятини ҳар қидираётгани мисолида ҳам қуриш мумкин.

Ташриф давомида Олмалиқ шаҳрида Тошкент вилояти ривожининг ҳозирги ҳолати ва келгуси вазифалар



муҳокамаси юзасидан ўтказилган йиғилишда ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, Тошкент, Қўйраб, Зангиота, Юқори Чирчик, Ўрта Чирчик туманлари, Чирчик ва Нурафшон шаҳарлари пойтахт туманлари билан ҳамоҳанг ривожланиши кераклигига ургу берилди.

Бунинг учун Тошкент туманида 97 гектарда индустриал технопарк ташкил қилиниб, унда тадбиркорлар ва банклар иштирокида 350 миллион долларлик юқори қўшилган қийматли лойиҳалар жойлаштирилиши муҳим ташаббус бўлиб, бу, ўз навбатида, бизнес муҳитини яхшилаш, иш ўринлари яратиш, одамларнинг турмуш фаровонлигини янада оширишга хизмат қилиши аниқ.

➡2

### САЙЛОВ — 2024

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда. Бугунги сонда Ўзбекистон Экологик партияси номидан «Инсон ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилиш ва экологик ҳуқуқларини таъминлаш: истиқболдаги вазифалар» сарлавҳали мақола эълон қилинмоқда.

3-саҳифага қаранг.

### Халқаро конференция

## Уламолар Ўзбекистон Президентининг ташаббусларини бир овоздан қўллаб-қувватлашди

Кеча хабар берганимиздек, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 15-16 октябрь кунлари Тошкент ва Хива шаҳарларида “Ислом — эзгулик ва тинчлик дини” мавзусида нуфузли халқаро конференция ўтказилди.

Анжуманнинг тўртинчи шўъбаси Хива шаҳрида муқаддас Қуръон тиловати билан бошланди.

Дунёнинг 22 мамлакатидан 70 дан ортиқ нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, дин арбоблари, муфтийлар ва таникли уламо-лар қатнашган тадбирда юртимиздан буюк аллома ва уламолар етишиб чиққани, уларнинг илмий ме-

росини ўрганиш бугунги кунда бағот муҳим эканлиги, шу билан бирга уларда ислом динининг асл инсонпарварлик моҳияти очиб берилгани, энг улуг неъматлардан бўлган тинчлик ва барқарорликни асраб-авайлаш борасида долзарблигини йўқотмайдиган ҳақиқатлар акс этгани таъкидланди.

➡4

### Анжуман

## Атом энергетикасини ривожлантириш муаммолари ва имкониятлари муҳокамаси

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетиди энергетика соҳасида муҳим халқаро тадбир — “Ўзбекистонда атом энергетикасини ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари” мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Тадбир атом энергияси-дан тинч мақсадларда фойдаланишнинг долзарб масалалари ва имкониятларини муҳокама қилиш, миллий ва халқаро экспертлар ўртасида билим ва тажриба алмашиш учун майдонга айланди.

Илгор халқаро тадқиқотлар институти Энергетика дипломатияси ва геосиёсат

маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атом энергияси агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда Венгрия, Туркия, Жанубий Африка Республикаси, Сербия, АҚШ, Қозоғистон ва бошқа мамлакатлардан халқаро экспертлар иштирок этди.

➡4

Олий Мажлис Сенатида

АҲОЛИ КОНЦЕРТ-ТОМОША  
ТАДБИРЛАРИГА МАҲАЛЛАБАЙ  
ТАМОЙИЛИ АСОСИДА ЖАЛБ ЭТИЛАДИ



Кеча Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси мажлиси бўлиб ўтди. Сенаторлар, Маданият вазирлиги ва турли идоралар вакиллари, экспертлар ҳамда Ёшлар парламенти аъзолари қатнашган мажлисда Маданият вазири ўринбосарининг аҳолини концерт-томоша тадбирларига маҳаллабай тамойили асосида мунтазам жалб этиш юзасидан ахбороти эшитилди.

Унда мазкур йўналишда муайян ишлар амалга оширилгани қайд этилди. Хусусан, вазирлик тизимидаги 40 та театр томонидан жорий йилнинг олти ойи давомида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйлаб 76 та гастроль сафари ташкил этилган. Ушбу гастроллар доирасида театр спектакллари сеансларига 50 мингдан ортиқ томошабинлар ташриф буюрган.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 9 та худуднинг 17 та туман ва шаҳарида “Маданият карвони” концерт-томоша тадбирлари ташкил этилган ҳамда 150 минг киши қамраб олинган.

Туризм объектиларида ижодий жамоалар томонидан 235 та театрлаштирилган концерт-томоша дастури ташкил қилиниб, уларга 7,5 минг фуқаро ҳамда 2,7 минг хорижий сайёҳ жалб этилган.

Республика бўйича белгиланган 17 та манзилда “Куча санъ

нидан таълим ва маданият муассасаларида ташкил этилган лекторий концертлар молиялаштирилмаган. Худудлардаги театрларнинг эҳтиёжманд ходимлари учун хизмат уйлари ажратилмаган.

Маданият ва санъат соҳасидаги телевизион шоу шаклига ўтказилиши белгиланган 7 та танловдан 3 таси ҳамда хусусий секторга ўтказилиши керак бўлган маданият ва санъат соҳасидаги 5 та кўрик-танловдан бирортаси ҳалигача ўтказилмаган.

Режада белгиланган тадбирларни ўтказиш жойи, вақти, иштирок этадиган ижодкорлар ҳақида аҳолини камида икки ой олдин хабардор қилиш тизими йўлга қўйилмаган. Театрлаштирилган томоша ва концерт дастурларини ташкил этиш учун зарур маблағлар ажратилмаган ҳамда “Куча санъати ва мусиқаси” лойиҳасида иштирок этган фаол ижодкорлар рағбатлантирилмаган.

Муҳокамалар давомида сенаторлар томонидан оммавий-маданий тадбирларнинг гоёвий мазмун-моҳиятини, миллий менталитетимизга хослигини ўрганиш ҳамда уларнинг бадиий-эстетик савиясини ошириш мақсадида концерт-томоша тадбирларини ўтказиш учун тўлов асосида амалга ошириладиган бир мартали хулоса бериш тизимини жорий этиш бўйича ҳукумат қарорини қабул қилишни тезлаштириш лозимлиги таъкидланди.

Мажлис якунида қўмитанинг тегишли қарори қабул қилиниб, мамлакатимизда аҳолини концерт-томоша тадбирларига маҳаллабай тамойили асосида мунтазам жалб этиш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди.

«Халқ сўзи».

Маҳаллий ҳокимликлар томо-

ИЛМ-ФАН ЮТУҚЛАРИ ВА  
ИЛҒОР ТАЖРИБА

Олий Мажлис Сенати Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси раиси Б. Алихонов Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида ўтказилган “Фан ва иқтисодиётнинг ўзаро боғлиқлиги — модернизация ва инновацион ривожланиш асослари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияда онлайн форматда иштирок этди.

Илмий ёндашув

Унда хорижий давлатлар етакчи олимлари, давлат ва хусусий ташкилотлар вакиллари ҳамда профессор-ўқитувчилар қатнашди.

Тадбирда иқтисодий жараёнларни модернизация қилишда инновацион ёндашувлар ҳамда бу жараёнда фаннинг ўрни билан боғлиқ асосий масалалар муҳокама қилинди.

Сенатор томонидан алоҳида қайд этилганидек, бугун энергия нафақат иқтисодиёт, балки давлатнинг барқарор ривожланишида ҳам асосий омили ҳисобланади. Айни чоғда глобал углеводород захиралари тугаши ва глобал экологик муаммоларнинг кучайиши шароитида муқобил энергия ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади.

«Халқ сўзи».

ЯНГИЛАНИШЛАР ЖАРАЁНИГА  
ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ ВА МАСЪУЛИЯТ

Айтиш жоизки, бир пайтлар вилоятда ичимлик суви таъминотида ҳам айрим муаммолар бор эди. Ўтган қисқа даврда Президентимиз ташаббуси билан бу масала секин-аста ечим топа бошлади. Вилоятда қўллаб аҳоли марказларини ичимлик суви билан таъминланди.

Шунингдек, “Тошкент вилояти ичимлик суви ва оқова сув тизимларини реконструкция қилиш ва қуриш” лойиҳасининг 3-босқичи доирасида Чирчиқ, Олмалик, Ангрэн ва Бекободдаги иншоотлар реконструкция қилинмоқда. Масалан, “Mesal Water Technologies” корхонасида шу каби сув тозалаш иншоотлари учун ўттиздан ортиқ махсус қурилма ва ускуналар ишлаб чиқариляпти. Бу эса аҳоли фаровонлиги ва саломатлигига муносиб ҳисса қўшади.

Вилоятда бўлаётган ўзгаришлар ҳақида гапирганда, албатта, охиргиги етти йилда худудда қарийб 9,4 миллиард долларлик инвестициялар ўзлаштирилиб, 143 мингдан ортиқ иш ўринлари ва 5 миллиард долларлик экспорт имконияти яратилганини ҳам алоҳида қайд этиш жоиз. 2024 — 2026 йиллар учун эса

жами 26 миллиард долларлик 125 та лойиҳа режалаштирилган. Бу орқали қўллаб иш ўринлари яратилиб, аҳолининг даромадлари ошади, одамлар ҳаётдан рози бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг худудга таъшири давомида қол бир соҳа эътибордан четда қолмади. Масалан, миграция бўйича масалалар ҳам эътибор марказида бўлди. Чунки кейинги пайтларда Тошкент вилоятидан хорижга арзон ишларга кетганлар 30 мингга камайган. Лекин ҳали 158 минг киши чет элда меҳнат қилмоқда.

Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги фаолияти тақомиллаштирилиб, аҳолини хавфсиз ва юқори даромадли иш билан таъминлаш бўйича янги ёндашувлар жорий этилиши мутлақо оқилона қарор бўлди. Айниқса, чет элда мавсумий ишлаб қайтган ва яна кетиш истагида бўлган кишиларга юқори даромадли касблар ўргатилиши, касб-ҳунари борлар хорижий тилларга ўқитилиши, шубҳасиз, ёшларининг хорижда самарали меҳнат қилиши ва яхши даромад топишига туртки бўлади.

Бугун вилоятнинг қай бир гўшасига борманг, шаҳар ва

қишлоқларда янгиланиш, аҳолини уй-жой билан таъминлаш бўйича кенг қўламли ишлар қилинаётганига гувоҳ бўласиз. Энг муҳими, одамлар қай-қайси юқори, мамлакатдаги ислохотлардан мамнун. Олдий мисол. Яқин-яқингача вилоятда пахсадевор мактаблар, томлари лой сувқўли уйлар кўзга ташланган бўлса, бугун улар кескин камайди. Мавжуд таълим муассасалари реконструкция қилиняпти, янгилари барпо этилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг вилоятга таъшири давомида белгиланган устувор вазифалар барча раҳбарлар қатори биз, депутатлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Шундай экан, биз бу борада янада фаол бўлиб, ушбу топириқлар ижроси устидан доимий равишда депутатлик назоратини ўрнатиб боришимиз, ислохотлар жараёнига ўз ҳиссамизни қўшишимиз, юртимиз тараққиёти учун бор куч ва салоҳиятимизни сафарбар этишимиз мақсадга мувофиқдир.

Моҳира ХҲЖАЕВА,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Ҳаётий масалаларга оид  
халқчил нормалар

Мазкур қонун лойиҳаси билан давлат умумий ўрта таълим жараёнига тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни қўллаб-қувватлашга қаратилган нормалар белгиланмоқда.

Хусусан, ушбу ҳужжатда қуйидагилар назарда тутилмоқда:

— 2025 йил 1 январдан бошлаб 2030 йил 1 январга қадар юридик шахсларга ўз маблағлари ҳисобидан нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотлари биноларини қуриш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг фойда солигини ҳисоблашда икки йил давомида тенг улушларда чегириб ташлаш ҳуқуқи берилмоқда;

— 2027 йил 1 январга қадар бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган протез мосламалари ва уларнинг бутловчи, эҳтиёт қисмлари қўшилган қиймат солигини тўлашдан озод этилиши кўзда тутилмоқда;

— муҳтож шахслар протез мосламалари ва реабилитация воситаларини ваучер (субсидия) асосида харид қилганда, ваучер қиймати билан сотиб олинган протез мосламалари ва реабилитация воситаларининг нархи ўртасида ҳосил бўлган ва ушбу шахсларга берилган ижобий фарқнинг 20 фоизи жисмоний шахсларнинг жами даромадлари таркибига киритилмаслиги белгиланмоқда.

Мунозаралар давомида депутатлар қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига алоҳида тўхталиб, унинг қабул қилиниши нодавлат умумий ўрта таълимни ривожлантиришга, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни қўллаб-қувватлашга кенг йўл очилиши қайд этди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Темир йўл транспортида  
юк ташиш  
ривожланиди

Мажлисида “Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 483-моддасига қўшимча қилириш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қўриб чиқилди.

Мамлакатимизда темир йўл тармоғини ислоҳ этишда аҳолига кўрсатилаётган транспорт хизматлари сифатини янада оширишга қаратилган чоралар қўрилмақда. Шу ўринда мазкур тармоққа хусусий секторни жалб қилишда тизимли ишларни олиб бориш талаб этилади.

Ушбу ҳужжат билан Солиқ кодексининг 483-моддасига вагонлар (контейнерлар) операторларининг вагонларни (контейнерларни) ижара шартномаси асосида фойдаланишга бериш ҳизматини кўрсатиш бўйича айланмаси қўшилган қиймат солиғидан озод этилишини назарда тутувчи қўшимча қилиришмоқда.

Қонун лойиҳаси темир йўл транспортида юк ташишини янада ривожлантиришга қаратилган билан аҳамияти бўлиб, темир йўл тармоғига инвестицияларни жалб этишни рағбатлантиришга хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Миллий гвардиянинг  
болалар билан ишлашга  
оид ваколатлари  
мустаҳкамланмоқда

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини тақомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам қўйи палата мажлисида биринчи ўқишда обда муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган манзилли чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини янги ёндашувлар асосида янада тақомиллаштириш мақсадида ички ишлар органларининг вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологлар лавозимлари штати Миллий гвардия ташкилий тузилмасига ўтказилди.

Шундан келиб чиқиб ҳозирги кунда уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатларини ҳам Миллий гвардияга ўтказиш юзасидан қонунчиликка тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар қилириш зарурати мавжуд.

Қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ички ишлар органларининг вояга етмаганлар масалалари бўйича катта инспектор-психологлар ва инспектор-психологларга доир ваколатларини Миллий гвардия органларига ўтказишни назарда тутувчи ўзгаришлар ва қўшимчалар қилиришмоқда.

Бунда Миллий гвардиянинг болалар билан ишлаш бошқармаси ва унинг худудий бўлинмалари ходимларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги, жумладан, болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича мажбуриятларни бажармаганлик, жомоат жойларида тамаки ёки алкоголь маҳсулотини истеъмол қилганлик, шунингдек, вояга етмаган шахсни гайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этганлик бўйича ишларни қўриб чиқишга ҳамда жарима тариқасидаги маъмурий жазо чораларини қўллашга доир ваколатларини мустаҳкамловчи ўзгаришлар қилирилиши назарда тутилляпти.

Депутатларнинг фикрича, ушбу қонун лойиҳаси Миллий гвардия органларининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига, болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир фаолияти самардорлигини оширишга хизмат қилади.



Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Жонли ижрода янги талаб ва  
тартиблар

Бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган жонли ижро санъатини янада ривожлантиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Қонун лойиҳаси билан “Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида”ги, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Реклама тўғрисида”ги қонунларга Маданият вазирлигининг маданий фаолият соҳасидаги ваколатлари, концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш талабларига, шунингдек, концерт-томоша тадбирлари рекламасида фонограммалардан фойдаланилиши тўғрисида ахборот бериш тартибига қўшимча ва ўзгартиришлар қилириш назарда тутилмоқда.

Бунда Маданият вазирлигининг ваколатига оид нормалар янада тақомиллаштирилиб, тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишда жонли ижро ёки фонограммалардан фойдаланиш шакли ва даражасини белгилаши, ижрочилар томонидан фонограмма ва муаллифлик асарларидан фойдаланишда амалдаги қонунчиликка риоя қилиниши мониторингини юртиб боришига оид қўшимча нормалар билан тўлдириляпти.

Бундан ташқари, концерт-томоша тадбирларида қўшиқларни ижрочилар томонидан ижро этишда фонограммалардан фойдаланиш даражаси тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган аудиохабар тарқатилишини таъминлаш, фонограммалардан фойдаланиш даражаси ҳақида ахборот бериш тартиби, концерт-томоша тадбирининг дастурида ижрочилар ва асар муаллифлари аниқ кўрсатилиши шарт экани белгиланган бўлиши.

Депутатларнинг қайд этишича, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши концерт-томоша тадбирларини уюштириш самардорлигини ошириш, жонли ижро санъатини ривожлантириш, истеъдодли ижодкорларни қўллаб-қувватлаш ва жонли ижрони рағбатлантиришнинг янги механизмларини жорий этишга ҳисса қўшади.

Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Бундан ташқари, концерт-томоша тадбирларида қўшиқларни ижрочилар томонидан ижро этишда фонограммалардан фойдаланиш даражаси тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган аудиохабар тарқатилишини таъминлаш, фонограммалардан фойдаланиш даражаси ҳақида ахборот бериш тартиби, концерт-томоша тадбирининг дастурида ижрочилар ва асар муаллифлари аниқ кўрсатилиши шарт экани белгиланган бўлиши.

Депутатларнинг қайд этишича, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши концерт-томоша тадбирларини уюштириш самардорлигини ошириш, жонли ижро санъатини ривожлантириш, истеъдодли ижодкорларни қўллаб-қувватлаш ва жонли ижрони рағбатлантиришнинг янги механизмларини жорий этишга ҳисса қўшади.

Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Давлат божидан озод этиш  
таклиф қилиняпти

Депутатлар “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8 ва 9-моддаларига ўзгаришлар ва қўшимчалар қилириш ҳақида”ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қўриб чиқди.

Маълум қилинганидек, мамлакатимизда энергия ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишга, иқтисодиётни жадал ривожлантириш учун зарур бўлган энергиянинг ҳосил қилиниши ва сарфланишини барқарорлаштиришга қаратилган тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси билан “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунга иссиқлик ва электр энергияси таъминотчиларининг кўрсатилган хизматлар учун тўловлар борасидаги қарздорликни ундириш мақсадида фуқаролик ишлари бўйича ҳамда иқтисодий судларга мурожаат қилганда давлат божидан озод этишни назарда тутувчи ўзгаришлар ва қўшимчалар қилириш таклиф қилинмоқда.

Шу билан бирга, иссиқлик ва электр энергияси таъминоти корхоналарининг талаблари суд томонидан қўриб чиқилиб, мазкур талабларни қаноатлантириш тўлиқ ёки қисман рад қилинган тақдирда, давлат божи ушбу ташкилотлардан талабларнинг қаноатлантирилиши рад этилган миқдорида мутаносиб равишда ундирилиши белгиланяпти.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Ййлов ерларидан самарали  
фойдаланиляпти?

Қонунчилик палатасининг 2024 йил 27 август куни бўлиб ўтган мажлисида Қишлоқ ҳўжалиги вазири И. Абдурахмоновга ййлов ерларидан самарали фойдаланиш, уларда озўкабон экинларни етиштириш ҳамда соҳада кластер тизими асосида иш ўринларини яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида қўйи палатанинг парламент сўрови юборилган эди.

Мажлисида депутатлар мазкур парламент сўровига келган жавобни атрофлича қўриб чиқди.

Унда келтирилишича, мамлакатимизда ййлов ерларидан самарали фойдаланиш, соҳага илм-фан ютуқлари ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Бўхоро, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё ва Самарқанд ви-

Халқ сўзи

2024 йил 17 октябрь

лоятларида 9 млн. гектар ййлов ерларда чорва молларини икки ва тўрт босқичли алмашлаб боқиш бўйича календарь режалари ишлаб чиқилган. Ййловларда чорва молларини ўллатишда чўл, яримчўл ва тоғолди ййловлари учун ййил фасллари бўйича кетмакет, алмашлаб фойдаланиш амалиёти ййўлга қўйилган.

Шунингдек, ййлов ўсимликларининг 300 гектар бирламчи ўрўчилиги майдонлари ташкил этилган. Фанлар академиясининг Ботаника институти билан ҳамкорликда Фориш, Нурота, Ёйждувон, Нуробод, Нишон, Муборак туманларида 4 минг гектар ййлов ерларда доривор ўсимликларнинг тарқалиш майдонлари ва уларнинг захира қийматларини аниқлаш ишлари амалга оширилган.

Бундан ташқари, худудларда қоракўлчилик ва кавракчилик йўналишларида янги лойиҳаларни ишга тушириш ҳамда каврак плантацияларини ташкил этиш учун 3 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция маблағлари ўзлаштирилган. Сифатли ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва каврак хомашёсини ййигиб олишни кўпайтириш ҳисобига 8,2 млн. АҚШ доллари миқдорида қоракўл ва каврак маҳсулотлари экспорти амалга оширилган.

Шу билан бирга, ййил якунига қадар ййловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича худудий дастурлар ишлаб чиқилади, тармоқда 117 минг нафар аҳолининг бандлиги таъминланади.

Берилган жавобга кўра “Ўзбекистон Республикасининг ййловлар ва улардаги ер ости сувларини муҳофаза қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармон лойиҳаси ишлаб чиқилган. Унда ййлов ўсимликлари маҳсулдорлигини ошириш бўйича қатор чора-тадбирлар назарда тутилмоқда.

Мажлисида парламент сўровига Қишлоқ ҳўжалиги вазирининг жавоби маълумот учун қабул қилинди.

«Спин-офф» корхоналари  
фаолиятида инновацион  
ёндашув

Қўйи палатанинг 2024 йил 27 август куни бўлиб ўтган мажлисида Олий таълим, Фан ва инновациялар вазири Қ. Шариповга “Олий таълим муассасалари ва уларнинг қўшида “спин-офф” тажриба ишлаб чиқариш корхоналарини самарали ташкил этиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги парламент сўрови юборилган эди.

Мажлисида депутатлар мазкур сўровга келган жавобни атрофлича қўриб чиқди.

Парламент сўровига жавобда келтирилишича, давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 6 июлдаги тегишли Фармони билан тасдиқланган 2022 — 2026 ййилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясида олий таълим ташкилотларида тадбиркорлик мўхити ва фаолиятини шакллантириш ҳамда илмий тадқиқот натижаларининг технологик трансферларини қўллаб-қувватлашда академик “спин-офф” компанияларини ташкил этиш белгиланган.

2023-2024 ййилларда олий таълим муассасалари тасвсисчилигида МЧЖ, ДУК шаклида 48 та корхона фаолият юритган бўлиб, уларнинг 39 таси илмий ҳажмдор ва инновацион маҳсулотлар (товар ва хизматлар) ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган инновацион “спин-офф” корхоналар. Шунингдек, илмий тадқиқотлар қўшида 24 та “спин-офф” корхона фаолият юритмоқда.

Вазирлик жавобига кўра 2023 ййилда олий таълим муассасалари қўшидаги “спин-офф” корхоналарига ажратилган маблағлар 9,63 млрд. сўмни, бошқа таъсисчи ва иштирокчилар томонидан ажратилган сармоялар 2,94 млрд. сўмни ташкил этган. Ишлаб топишган даромад миқдори эса 8,8 млрд. сўм бўлиб, яратилган иш ўринлари сонни 325 тага етган.

Шу билан бирга, олий таълим муассасалари томонидан очилган 34 та “спин-офф” корхона фаолиятини давом эттирмоқда. Улар томонидан турли илм тармоқ корхоналар, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги тадбиркорлик субъектлари, аҳоли учун зарур бўлган инновацион ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилляпти.

Депутатлар томонидан ушбу йўналишда вазирлик муайян ишларни амалга оширган, шунингдек, яқинда Президентимиз имзолаган “Креатив иқтисодиёт тўғрисида”ги Қонун мазкур соҳани янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилгани қайд этилди.

Мазкур қонуннинг аҳамиятини кенг тарғиб қилиш, унда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича зарур чоралар қўриш лозимлиги таъкидланди.

Мажлисида парламент сўровига жавобда кўтарилган масалалар бўйича атрофлича маълумотлар тақдим этилгани таъкидланди, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг жавоби маълумот учун қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

# ИНСОН ҲАЁТИ ВА СОҒЛИГИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА ЭКОЛОГИК ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ: ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР



Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият ҳисобланган янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган изчил ислохотлар, аввало, инсон фаровонлигини ва жамиятнинг барқарор ривожланишини, ҳар кимнинг қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузли ўрнини янада мустаҳкамлашга қаратилмокда.

Ўзбекистон Экологик партияси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловларида **“Табиат учун бирлашайлик”** шiori остида иштирок этиб, атроф-муҳит барқарорлигини таъминлаш ва экология масалалари нафақат давлат ва жамият, балки ҳар бир инсон, оила ва маҳалланинг бирламчи вазифаси бўлишига эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Партияимизнинг Сайловолди дастурида давлат органлари фаолиятида ва жамият ҳаётининг барча жабҳасида янги таҳрирда қабул қилинган Конституциямиз нормаларини ҳаётга изчил татбиқ этиш, давлат ва жамият бошқаруви, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар самарадорлигини ошириш ҳамда қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан **2 та кодекс, ўнга яқин** янги қонун лойиҳалари ҳамда миллий дастур, концепция ва стратегияларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш кўзда тутилган.

## Эколог-хукуқшунос кадрлар тайёрлаш ва экология соҳасига ихтисослаштирилган судларни ташкил этиш зарур

Юртимизда экология соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашни кучайтириш, таъсирчан экологик назорат тизимини такомиллаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилмокда.

Жумладан, Бош прокуратура тизи-мида Экология, атроф-муҳитни муҳо-фаза қилиш ва ўрмон ҳўжалиги соҳа-сидаги қонунчилик ижроси устидан на-зорат бошқармаси, жойларда табиат-ни муҳофаза қилишга оид қонунчилик ижроси устидан назорат ҳамда ерлар-дан ноқонуний фойдаланишни бартар-аф этиш бўйича ихтисослаштирилган прокуратуралар ташкил этилди. Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия ва Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги-нинг экология, атроф-муҳитни муҳофа-за қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашни бўйича ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

Партия, экологик ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлиқни кучайтириш зарур-лигини таъкидлаган ҳолда, юридик ва жисмоний шахсларнинг экологик ҳуқуқларини, мулкий ва бошқа манфа-атлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий ма-данияти ва саводхонлигини ошириш, уларга соҳада қабул қилинаётган нор-матив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини етказиш мақсадида юридик ёрдам ва хизматларни йўлга қўйиш зар-рур, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Экологик партияси то-монидан илгари сурилаётган **малака-ли юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ҳамда эколог-хукуқшунос кадрлар тайёр-лаш тизимини йўлга қўйиш** ташаб-буси экологик низоларни ҳал этишда ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш-да, тадбиркорлик субъектлари фаоли-ятига аралашувлар, таъйик ва тўсиқ-ларга йўл қўймаслик, шунингдек, улар-нинг экологик ҳуқуқлари чекланишининг олдини олиб, ҳуқуқ ва қонуний манфа-атларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиради.

Ҳозирда экологик ҳуқуқбузарлик-лар учун маъмурий ва жиноий жа-вобгарликнинг амалдаги санкцияла-ри айрим ҳолларда табиатга ва та-биий ресурсларга етказилган ҳақиқий зарарга нисбатан номутаносиб ра-вишда белгиланган бўлиб, бу эколо-гик ҳуқуқбузарликлар сони камайи-шига олиб келмапти. Масалан, ўтган **2023 йилда қичиндилар** билан боғ-лиқ ҳуқуқбузарликлар сони қарийб **17 400 тани**, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар **11 580 тани**, ўсим-лик дунёсини муҳофазалаш йўнали-шида **5 220 дан** ортиқни, сув ва сув объектларини ҳимоялаш борасида **1 400 дан** ортиқни ташкил этган.

Маълумотларга кўра 2023-2024 йил-лар давомида экологик ҳуқуқбузарлик-лар юзасидан **27 та** ҳолат бўйича жи-ноий иш кўзғатилган бўлиб, уларнинг барчаси бўйича енгил жарима санк-циялари қўлланилган. **9,5 мингга** яқин ноёб турдаги дарахтлар ноқонуний ке-силиши оқибатида табиатга 36 млрд. сўмлик зарар етказилган.

Сўнгги ўй йилида қурилаётган объект-лар сони **3 баробар** ошиб, дарё ўзан-ларида ноқонуний қум-шағал қазиб олиш билан боғлиқ **303 та** ҳолатда **68 млрд. сўм** миқдорида жарима қўлланилган, шундан **42 та** ҳолатда **45 млрд. сўм** миқдорида табиатга зарар етказганлик учун жиноят иш-лари кўзғатилган.

Шу ўринда, **ЎзлиДеП** Сайловолди дастурида “Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлган жиноят турлари-ни камайитириш, мазкур соҳани либе-раллаштириш тарафдоримиз” деган гояни илгари сурмокда. Бироқ мамла-катимизда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслар-дан оқилона фойдаланиш бўйича ҳуқуқбузарликлар учун нафақат маъму-

муҳитни бошқариш бўйича халқаро низоларни муайян вазиятни ҳуқуқий таҳлил қилиш асосида манфаатдор томонларнинг илтимосига биноан маслаҳат бериш, томонларни ярашти-риш, муросага келтириш ва томон-ларнинг ўзаро илтимосига биноан, томонлар олдидан мажбурий деб тан олган қарор билан суд арбитражи жа-раёнини ўтказиш орқали ҳал этади.



рий, балки жиноий жавобгарлик чо-ралари кучайтирилаётган бир пайтда бу гоя қанчалик ўринли бўлади?

Чунки партияимиз экологик ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик-ни кучайтириш, жумладан, **атроф-муҳитга ва аҳоли соғлигига етказилган зарарни тўла қоплаш маж-буриятини ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини тако-миллаштириш** тарафдоридир.

Партияимиз экология соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар камайтаётганлигини кайд этгани ҳолда экология соҳасида-ги ҳуқуқбузарликларни ва жиноят иш-ларини қўриб чиқиш бўйича **ихтисос-лаштирилган судлар ташкил этиш** ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғри-сидаги кодексдаги **жавобгарлик чо-раларини қайта қўриб чиқиш**, маъ-мурий жазо чораларини қўлласида **суд-ларга кенгроқ ваколат бериш** ташаб-буслари орқали соҳадаги бир қатор му-аммоларнинг олдини олиш мумкин деб ҳисоблайди.

Қўллаб мамлакатларда экологик му-аммоларга жиддий эътибор қаратили-ши, ушбу масалаларда фуқаролик жа-миятининг феолалашуви ихтисослашти-рилган экологик судларни ташкил этиш масаласини кун тартибига қўймокда.

Ҳозирда хорижий давлатларда ик-тисослаштирилган экологик судларни шакллантириш тенденцияси кучайиб, БМТнинг Атроф-муҳит бўйича дастури маълумотларига кўра **44 мамлакатда 1200 дан** ортиқ миллий экологик суд-лар фаолият кўрсатмокда. Статисти-кага кўра, уларнинг аксарияти сўнгги ўн йил ичида Буюк Британия, Хитой, Бельгия, Боливия, Парагвай, Филиппин, Таиланд, Жанубий Африка Рес-публикаси ва бошқа мамлакатларда ташкил этилган.

Экологик судлар ихтисослаштирил-ган суд сифатида, масалан, АҚШнинг Вермонт штатидаги, Австралиянинг Янги Жанубий Уэльсдаги, Канаданинг Онтарио штатидаги, Янги Зеландия-даги каби тузилиши мумкин ёки Ни-дерландия, Дания, Финляндия ва Швециядаги каби суд тизимидagi эко-логик низоларни қўриб чиқадиған ту-зилма сифатида ҳам фаолият кўрсатиши мумкин.

Жаҳон ҳамжамияти халқаро даража-да ҳал қилиниши талаб этиладиган эко-логик низоларга дуч келаётганлиги са-бабли 1993 йилда БМТ халқаро суди таркибида “экологик масалалар пала-таси” тузилган. Шу билан бирга ҳуқуқшунослар ташаббуси билан 1994 йилда Мехико шаҳрида бўлиб ўтган конференцияда халқаро эколо-гик суд ташкил этилган.

Халқаро экологик суд атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва атроф-

## БМТнинг Атроф-муҳит бўйича дастури экспертларининг фикрича, экологик судларнинг энг самарали модели Янги Зеландия, Австралиянинг Янги Жанубий Уэльс каби ихтисослаштирилган мустақил суд институтлари ҳисобланади.

### Ўйлаш керак: таъминлашда янги ёндашув

Ўзбекистон Экологик партияси Сай-ловолди дастурида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш юзасидан **йўл ҳара-кати хавфсизлигини тартибга со-лишни қонуности ҳужжатларидан қонун асосида тартибга солишга ўтказиш** ташаббуси илгари сурилмоқ-да. Боиси йўл ҳаракати хавфсизлиги қондалари ҳар қандай мамлакатда фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкни ҳимоя қилишининг кафо-лати ҳисобланади.

Европа мамлакатлари ва АҚШда йўл ҳаракати хавфсизлигига оид алоҳида қонунлар бўлиб, улар жамиятдаги иж-тимоий муносабатларни тартибга со-лишда муҳим аҳамиятга эга. Қабул қилинаётган ҳар бир қоида, ҳар бир йўл белгиси ва жавобгарлик чоралари парламент томонидан тасдиқланган қонунларга асосланади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти-нинг маълумотларига кўра ҳар йили йўл-транспорт ҳодисалари натижасида **1,19 млн.га** яқин одамлар вафот эта-ди, йўл-транспорт ҳодисалари **5 ёшдан 29 ёшгача** бўлган болалар ва ёшлар ўлимининг асосий сабабидир. Йўл-транспорт ҳодисалари натижасида ет-казилган зарар аксарият давлатлар ялли ички маҳсулотининг **3 фойизгача** этади. Бу каби муаммоларни ҳал этиш учун яхлит қонуний ечим керак. Бу ечим Экологик партия Сайловолди дастури-да тақлиф этилган.

Юртимизда ҳам содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисалари аянчли оқибатларга олиб келмокда. 2023 йил-да транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинганига қара-май, яна рўлға ўтирган шахслар то-монидан **707 та** йўл-транспорт ҳоди-саси содир этилган. Бунинг оқибати-

дан фойдаланиши тартиби тўғрисида-ги низоимлар билан ҳам тартибга соли-нади. Бу, ўз навбатида, тарқоқ ҳолда-ги ўзаро боғлиқ қоидаларни битта қонунга жамлашни тақозо этмокда.

Партия йўл ҳаракати хавфсизлиги-ни тўлиқ қонун асосида тартибга со-лиш йўл-транспорт ҳодисалари ва қоидабузарликлар сонини камайитириш, йўл ҳаракати қатнашчилари ҳуқуқий ма-данияти, ўзаро ҳурмати ва билим-таж-рибасини ошириш, ҳайдовчилар ва пиедалар учун қулай ва хавфсиз йўл ҳаракатини ташкил этишни таъминлаш-га хизмат қилади, деб ҳисоблайди.

## Ёшларга тамаки маҳсулотлари сотилишини тақиқлаш лозим

Ўзбекистон Экологик партиясининг Сайловолди дастуридан ўрин олган му-ҳим ташаббуслардан бири 2009 йил 1 январдан кейин туғилган шахсларга 2030 йилдан бошлаб **тамаки маҳ-сулотлари сотилишини тақиқлаш** ва инсон саломатлиги, айниқса, болалар соғлигига энергетик ичимликларнинг салбий таъсирини инобатга олиб, **21 ёшдан кичик шахсларга** энерге-тик ичимликлар сотишни тақиқлашдан иборат.

Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра 2024 йил 1 сентябрь ҳолатига Ўзбекистонда тамаки маҳсулоти ноқо-нуний айланмасининг улуши 12,5 фо-изни ташкил қилди.

Тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш инсон саломатлигига жиддий зарар етказиши хақида кўп бора эшитсак-да, афсуски, ҳозирги кунда бутун жаҳонда тамаки чекувчилар сони ортиб, айниқса, ёшлар орасида бу одатнинг кенг тарқалаётгани дунё жа-моатчилигини тарқавишга солмокда.

Қўллаб мамлакатларда ёшларнинг тамаки маҳсулотларини истеъмол қили-шига чек қўйишига қаратилган сазй-ҳаракатлар амалга оширилмокда. Ма-салан, Янги Зеландияда **2009 йил 1 январда** ва ундан кейин туғилган **шахсларга** тамаки маҳсулотларини сотиш тақиқланган бўлиб, белгиланган тартибни бузганлик учун **50 000 дан 150 000 долларгача** жарима назарда тутилган.

Бутун дунёда соғлом турмуш тарзи тарафдорлари, сиёсатчилар ҳамда та-макига қарши курашиш фаоллари бу муаммони муҳокама платформасига олиб чиқмокда. Мамлакатлар ҳукумат-ларини ёшларни бундай иллатдан ҳимоя қилиш учун зарур чораларни қўришга даъват этмокда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти

шакллантириш ва қарор топтиришга хизмат қилади.

## Экологик қонунчиликни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш — устувор мақсад

Ўзбекистон Экологик партияси то-монидан экологияга оид қонунчиликни кодификациялаш орқали Экологик ва Ўрмон кодексларини қабул қилиш та-шаббуси илгари сурилиб, мазкур со-ҳалардаги қонунчилик ҳужжатларини яхлит тизимлаштирилишига эришиш кўзда тутилмокда. Аҳамиятли жиҳати, партиянинг 2019 йилги Сайловолди дастурига ҳам Экологик кодекс лойи-ҳасини ишлаб чиқиш масаласи киритилган бўлиб, партия фракцияси то-монидан унинг лойиҳаси ишлаб чиқил-ган. Уни янада такомиллаштириш ва парламент муҳокамасига олиб чиқиш жорий Сайловолди дастурининг ҳам ус-тувор вазифаларидан ҳисобланади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Эколо-гик партияси қонун ишдорлиги йўна-лишида “Атроф-муҳит мониторинги тўғрисида”ги, “Экологик ахборот-лаштириш тўғрисида”ги, “Табиатни тик-лаш тўғрисида”ги, “Кимёвий хавф-сизлик тўғрисида”ги янги қонунларни ҳамда янги таҳрирдаги “Қичиндилар тўғрисида”ги, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавф-сизлиги тўғрисида”ги қонунларни қабул қилиш зарур деб ҳисоблайди.

Хусусан, **“Атроф-муҳит монито-ринги тўғрисида”**ги қонун атроф-муҳит мониторинги тизимини такомил-лаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш, прогностлаштириш орқали ат-роф-муҳитга салбий таъсир юзага ке-лишининг олдини олиш, шунингдек, та-биий ресурслардан фойдаланишини

## «Яшил» келажак йўлида Барқарор экологик ривожланиш стратегияси ва Миллий дастур қабул қилиш ҳаётий зарурат

Ўзбекистон Экологик партиясининг давлат экологик сиёсатининг устувор йўналишларини белгилайдиган **Барқарор экологик ривожланиш стратегиясини қабул қилиш** ташаб-буси долзарб аҳамиятга эга бўлиб, со-ҳадаги комплекс муаммоларнинг олди-ни олишга йўналтирилганлиги билан муҳим аҳамиятга эга.

Бу ҳужжат мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик барқарорликка эришиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳаси-даги давлат сиёсатининг устувор йўна-лишларини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлиши билан бирга, аҳоли учун қулай атроф-муҳит шароит-ларини яратиш, иқлим ўзгаришларига мослашиш, Орол фожияси оқибатла-рини юмшатишни назарда тутади.

Бир сўз билан айтганда, Барқарор экологик ривожланиш стратегияси юр-тимизнинг бебаҳо табиий бойликлари-ни кўпайтиришга ҳамда ҳозирги ва келажак авлод учун асраб-авайлашга, ат-роф-муҳит маҳсулотиининг сақлашга хизмат қиладиган ҳўжжат бўлади.

Шунингдек, партия қиллоқ ҳўжали-ги, саноат ва иқтисодиёт тармокла-рида сувдан самарали фойдаланиш-га қаратилган миллий давлати дас-турни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга эканини ва уни қабул қилиш зарур-лигини таъкидлайди.

Миллий дастурнинг қабул қилини-ши атрофимизда рўй бераётган сув билан боғлиқ экологик муаммолардан ҳар биримиз тегишли ҳулоса қилиб, сувни тежаш ва исроф қилмаслик та-моийлини қондалик мезонимизга айлантиришга ҳамда сувдан келажак авлод ҳам баҳраманд бўлишига имко-ният яратади.

**Партия илгари сураётган янги қонунларни қабул қилиш ва амалдаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш ташаббуслари инсон ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилиш ва экологик ҳуқуқларини таъминлашга, соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини оммалаштиришга хизмат қилади.**

**Табиатнинг бетакорр мўъжизаси — муқаддас тупроқ, мусаффо ҳаво, зилол сув, ўз нурини сакийлик ила сочаётган куёш, барча-барчаси биз, инсонлар учун бебаҳо неъмат эканлигини доимо ёдда тутайлик! Она-табиатиимизни, атроф-муҳитни асраб-авайлаш, келажак авлодга бекаму қўст етказиш йўлида бирлашайлик!**

**Хайрулло ГАППОРОВ,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**  
**Дилдора КАМАЛОВА,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод.**

# ЎЗБЕКИСТОН ЭКОЛОГИК ПАРТИЯСИ ВА УНИНГ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

# Уламолар Ўзбекистон Президентининг ташаббусларини бир овоздан қўллаб-қувватлашди

Хозирги пайтда исломофобия, айрим давлатлар ўртасида турли можаролар давом этаётгани, глобаллашувнинг салбий жиҳатлари авж олаётгани қайд этилиб, бу каби муаммоларнинг олдини олиш учун динимиз таълимотларини чуқур ўрганиш, ёшлар ўртасида илмни тарғиб қилиш лозимлиги қўллаб-қувватланди.

— Олим сифатида ёшларга, ушбу анжумани кузатиб борган соғлом фикрли кишиларга айтар сўзим шуки, мутаассиб фикрларга эргашаётганлар билиб қўйсин: ислом — зугулки дини, — дейди Россиядаги Булғор ислом академияси Илоҳиёт кафедраси ўқитувчиси, Ислом ҳуқуқшунослиги ва замонавий фатволар бўйича мутахассис Сайфул Асрий. — У ҳеч қачон инсонлар қонини тўкишга, зўравонлик қилишга ундамайди. Муқаддас ислом номидан амалга оширилаётган ҳунрезликларнинг буюртмачилари мўминлардан эмас. Ислом маърифатини, унинг инсонпарварлик қояларини, бағрикенглик борасидаги тавсияларини ўрганмоқчи бўлганлар, бузғунчи тои-

# Атом энергетикасини ривожлантириш муаммолари ва имкониятлари муҳокамаси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ректори Содиқ Сафоев, Бутунжаҳон ядро ассоциацияси бош директори Сама Бильбао-и-Леон хоним, Энергетика вазирлиги ўринбосари Умид Мамадаминов, “Узатом” агентлиги директори Азим Аҳмеджўраев, “Росатом” давлат корпорацияси бош директорининг биринчи ўринбосари Андрей Петров ва бошқалар сўзга чиққан тadbирда атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланишнинг долзарб масалалари ва имкониятлари, бу борада амалга оширилаётган лойиҳаларнинг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилди. Иштирокчилар атом энергетикаси соҳасидаги жорий ва истиқболли лойиҳалар, атом иншоотлари хавфсизлигини таъминлаш йўллари ҳамда ядро энергетикасининг мамлакат энергетика балансидаги ўрни билан танишди. Қадрлар тайёрлаш, бу борада инновацион технологияларни жорий этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.



Конференция дастуридан давра суҳбати шаклидаги иккита панель сессияси ўрин олди. Унда етакчи мутахассислар, экспертлар ҳамда олимлар атом энергетикасининг истиқболлари ва имкониятларига бағишланган маърузаларни тингладди. Муҳокамадорлар асосий эътибор атом энергетикаси соҳасида хавфсизлиқни таъминлашга қаратилди. Иштирокчилар ядровий объектлар фаолияти ишончилигини оширишга қаратилган илғор технологиялар ва инновацион усуллар билан танишди. Атом электр станциялари ҳолатини мониторинг ва назорат қилиш тизимини ривожлантиришнинг глобал тенденциялари, шунингдек, юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларга тезкор жавоб бериш механизмлари муҳокама этилди.

Мутахассислар ҳодисалар эҳтимолини минималлаштириш ва касбий тайёргарликни ошириш учун халқаро тажрибани миллий амалиётга, жумладан, мунтазам машгулотларга киритиш муҳимлигини таъкидлади. Ўзбекистон атом саноатини янада ривожлантириш учун асос вазифасини бажариши керак бўлган халқаро тартибга солиш стандартларини жорий этиш, миллий қонунчиликни жаҳон хавфсизлиги ва атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш стандартларига мувофиқлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш муҳим жиҳат бўлди.

Муҳокамадорлар ижтимоий-иқтисодий ва экологик йўналишлар ҳам четда қолмади. Иштирокчилар атом энергетикасини ривожлантириш мамлакатимиз энергетик мустақиллигини мустаҳкамлаш, янги иш ўринлари яратиш ва маҳаллий мутахассисларнинг малакасини ошириш орқали иқтисодий ўсишга қўмаклашшидга муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Анжуманда Ўзбекистон энергетика соҳасини диверсификация қилишни қўллаб-қувватлаш, илмий-техникавий соҳада салоҳиятни ошириш ва тижорий ҳамкорлик, жумладан, инвестицияларни жалб этиш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистонда ядро табиёти ва унинг саратонга қарши курашдаги ўрни, шунингдек, ядро технологияларини ноэнергетик йўналишларда қўллаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Университетларро ҳамкорлик ва атом саноати учун кадрлар тайёрлаш воситаси сифатида филиаллар яратиш мавзулари ҳам долзарб бўлди.

Тadbир Ўзбекистоннинг халқаро тажрибани интеграциялаш ва атом саноатини хавфсиз ҳамда самарали ривожлантиришнинг зарур шарти бўлган илгор стандартларни жорий қилишга тайёргарликни намойиш этди.

«Халқ сўзи».

# ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОшлиКНИ МУСТАҲКАМЛОВЧИ АДАБИЙ МЕРОС

Яқинда Президентимиз Туркманистонда амалий ташриф билан бўлиб, Ашхобод шаҳрида ўтказилган туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллигига бағишланган “Замон ва цивилизацияларнинг ўзаро боғлиқлиги — тинчлик ва тараққиёт асоси” мавзусидаги халқаро форумда иштирок этди.

## Муносабат



Туркманистон Президенти Сердар Берdimухамедов раислигида ўтган мазкур халқаро тadbбирда Ўзбекистон етакчиси нутқ сўзлар экан, форумнинг ўтказилиши икки қардош халқ ўртасидаги биродарлик ва ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамлаш, мамлакатларимизни бир-бирига янада яқинлаштириш, бой маънавий меросимизни жаҳон ахлига тарғиб қилиш йўлида улкан амалий қадам бўлишини эътироф этди. Махтумқули Фироғийнинг ижодий мероси нафақат Шарқ мумтоз шеърляти, балки жаҳон адабиётини ҳам бойитганлиги таъкидланди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда ҳам туркман халқининг беназир фарзанди, дурдона асарлари билан инсоният тафаккурини бойитган Махтумқули Фироғий хотирасини абадийлаштириш, улуғ шоир таваллудининг 300 йиллигини кенг нишонлаш борасида қўллаб амалий ишлар олиб борилди. Жумладан, шоир таваллуд санасига бағишлаб адабий кечалар, танловлар, илмий анжуман ва семинарлар ўтказилмоқда. Театрларимизда шоир ҳақида спектакллар намоиш қилинмоқда. Шунингдек, Тошкент шаҳри ва ҳудудларимиздаги ўнлаб кўча ва хиёбонлар бугун Махтумқули номи билан аталган. Тошкент ва Хива шаҳарларида эса бу улуғ сиймо хотирасига халқимизнинг ҳурмати ифодаси сифатида ёдгорлик мажмуалари бунёд этилган. Яна бир янгилик, яқинда ўзбек ва туркман киноижодкорлари томонидан шоир ҳақида ҳамкорликда бадий фильм суратга олинди. Бу ишлар маданий яқдилликнинг бир ифодаси ўлароқ икки қардош халқнинг тарихи, санъати, тили ва урф-одатлари ҳамиса муштарак эканидан далолат.

Эътироф этиш жоизки, Махтумқули туркман шеърлятини сезиларли даражада юксалтирган. Шунингдек, у туркман адабиёти учун анъанавий бўлган араб-форс ўлчовидан воз кечиб, унинг ўрнига бўғинлар тизимини жорий қилган.

Шоир ижодининг асосий гояси инсонпарварлик ва ҳақиқат мадҳидири. Унинг шеърларида ишқ, Ватан, инсон қадри, ҳурлик, адолат ва истиқлол мавзулари марказий ўринда туради. Шу боис Махтумқулининг адабий мероси халқимиз қалбидан ҳам чуқур жой олган. Масалан, унинг “Кўрин” шеърлида қардош халқлар, хусусан, ўзбек менталитетига ҳос қадриятлар тараннум этилади:

*Хар иштининг аслин билай десангиз,  
Маъракада ўтириб-туришн кўринг.  
Биров билан ошно бўлай десангиз,  
Аввай ўз сўзида туришн кўринг.*



Шу ўринда айтиш жоизки, Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги мустаҳкам муносабатлар асрлар давомида шаклланган анъанавий дўстлик ришталари, яхши қўшничилик алоқалари ва ўзаро ишончга асосланган. Шу боис икки мамлакатимиз стратегик шериклик муносабатлари йилдан-йилга кенгайиб, кўп қиррали ҳамкорлик, айниқса сиёсий, парламентлараро, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқалар тараққий этмоқда. Бу юксалиш эса икки халқ ўртасидаги дўстлик ҳамда яхши қўшничилик муносабатлари тарихида янги давр бошланганини аналтади. Бу йўлда адабиётнинг ҳам улуши сезиларли даражада катта бўлиб, улуғ шоирлар, хусусан, Махтумқули Фироғийнинг бой ижодий мероси азалли ришталарни янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

**Баҳодиржон ШЕРМУҲАММАДОВ,**  
Фарғона давлат университети ректори, профессор.

# Хабар ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ҲАҚИДАГИ КИТОБ АҚШДА НАШР ЭТИЛДИ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таълим ислохотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиланганимизни алоҳида таъкидлаб келади.


Халқаро муҳандислар академияси академиги, иқтисодиёт фанлари номзоди Зиёвуддин Гуломов ана шу долзарб мавзуда “Ўзбекистонда учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш учун менежмент тизимини такомиллаштириш” номли монографиясини битган ва у китоб тарзида ўзбек тилида чоп қилинган эди.

Ушбу асар Америка Қўшма Штатларида ноширлар эътиборини жалб этди ва ўзбек олимнинг ушбу китоби инглиз тилига таржима қилиниб, кўп нусхада нашр этилди.

Муаллиф ўз асарига кенг қўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислохотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, миллий ғоя даражасига кўтарилган учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш асосий мақсад этиб белгиланганини чуқур таҳлил қилган.

Китобда қайд этилишича, Буюк Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган она заминимиз азалдан юксак цивилизация ва маданият ўчоқларидан бири бўлган. Халқимизнинг бой илмий-маданий мероси, тошга муҳрланган қадимий ёзувлар, бебаҳо меъморий обидалар, нодир қўлэмзалар, турли осориатикалар давлатчилик тарихимизнинг уч минг йиллик теран илдизларидан далолат беради.

Кўҳна даврда Юнонистонда чакнаган илм машъаласи IX — XII асрларда Марказий Осиё ҳудудида кенг порлай бошлади. Улуғ шоиримиз мавлоно Фурқат илм-маърифатни кўнгилларнинг сурури, кўрар кўзаларнинг нури, деб таърифлагани бежиз эмас. Натижада юртимиз ҳудудида биринчи Ренессанс юзага келди. Бутун дунё тан олган машхур даҳолар инсоният маърифатига бекиёс ҳисса қўшди. Маърифат байроғини баянда кўтарган, ўз ақл-заковати ва салоҳияти билан бекиёс қашфиётлар қилган Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замаҳшарий каби ўнлаб буюк алломаларимизнинг жаҳоншумул илмий-ижо-



дий асарлари умумбашарият тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшди.

Асарда ҳозирги даврда бевосита Президентимизнинг ташаббуси билан Ўзбекистонда учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга киришилганига кенг ўрин берилган. Хусусан, муаллиф мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни ҳамда бочка тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимизни бўлғуси Ренессанснинг ижодкорлари сифатида таърифлайди.

Шунингдек, асарда юртимизда шаклланган улкан илм, таълим-тарбия салоҳиятига таянган ҳолда менежмент жаҳон андозаларига мос келувчи янги тизимларни янада такомиллаштириш вазифаларини бажариши батафсил баён этилади.

Китобда менежмент фанининг дастлабки куртаклари милоддан аввалги асрларда барг ёза бошлагани, ҳозирги даврда эса учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда бу фан бошқарув назарияси ва амалиётининг асоси бўлиб хизмат қилаётгани ўз ифодасини топган.

**Эркин ЭРНАЗАРОВ,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

# «O’zRTXB» AJ «Oracle» dasturiy ta’minotini yetkazib berish bo’yicha tender e’lon qiladi

**Tender predmeti:** “Oracle” dasturiy ta’minotni yetkazib berish.

**Tender shakli:** ochiq tender.

Tenderda dasturiy ta’minotni yetkazib beruvchi, sotuvchi va tender predmetiga o’xshash dasturiy ta’minotni yetkazib berish tajribasiga ega bo’lgan mahalliy korxona va tashkilotlar vakillari ishtirok etishi mumkin.

Tender qatnashchisi taqdim etilayotgan dasturiy ta’minotning to’liq ishlashini ta’minlaydigan dasturiy ta’minot, montaj materiallari yetkazib berilishini ta’minlashi, shuningdek, tender ishtirokchisiga qo’yiladigan malaka talablariga javob berishi kerak.

**Buyurtmachi:** “O’zbekiston Respublika tovar-xomashyo birjasi” AJ.

**Manzil:** O’zbekiston Respublikasi, Toshkent shahri, Bobur ko’chasi, 77-uy.

**Telefon:** 71-207-00-33, e-mail: zakupki@rtsb.uz portal: www.uzex.uz

Tender ishtirokchilari ma’lumot olish uchun buyurtmachiga har kuni mahalliy vaqt bilan soat 10:00 dan 17:00 gacha (shanba va yakshanba kunlaridan tashqari) tender takliflarini qabul qilish muddati tugaguniga qadar murojaat qilishlari mumkin.

**Moliyalashtirish manbasi:** o’z mablag’lari hisobidan.

**To’lov shartlari:** shartnomaga imzolanganidan keyin 10 bank kuni ichida 30 foiz oldindan to’lov, to’lovning qolgan 70 foiz qismi Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 25-iyundagi 522-son “O’zaro hisob-kitoblari tizimida elektron hisob-fakturalardan foydalanishni yaxshilash chora-tadbirlari to’g’risida” gi qarori talablariga muvofiq qabul qilish-topshirish dalolatnomasi va elektron hisobvarraq-faktura taqdim etilgan kundan boshlab 10 bank kuni mobaynida amalga oshiriladi.

**To’lov shakli:** pul o’tkazish yo’li bilan amalga oshiriladi.

**Valyuta:** so’m — O’zbekiston Respublikasi milliy valyutasi.

**Tender shartlari:**

■ ishtirokchi O’zbekiston Respublikasi hududida dasturiy ta’minotni sotish huquqini beruvchi ishlab chiqaruvchi/distribyutorning ruxsatnomasiga ega bo’lishi kerak;

■ \* tender ishtirokchilarining takliflari 2 ta muhrlangan konvertda yopiq holda taqdim etilishi kerak;

■ birinchi konvertda taklif etilayotgan uskunaning kvalifikatsiya hujjatlari va texnik xususiyatlari to’g’risida ma’lumotlar taqdim etiladi;

■ ikkinchi konvertda yetkazib beriladigan uskunalar uchun narx taklifi va yetkazib berish muddati to’g’risida ma’lumotlar taqdim etiladi;

■ \* malaka talablariga mos kelmasa, ishlab chiqaruvchidan avtorizatsiya bo’lmasa va/yoki so’ralgan texnik xususiyatlarga mos kelmasa, ishtirokchining narx taklifi rad etiladi va ikkinchi konvert ishtirokchiga ochilmasdan qaytariladi;

■ \* texnik talablarga eng mos keladigan dasturiy ta’minotni taklif qiladigan sotuvchilar va/yoki yetkazib beruvchilarga ustunlik beriladi.

**Kvalifikatsiya hujjatlari:**

■ tashkiliy-huquqiy shakl yuridik shaxs shaklida bo’lishi kerak;

■ ishtirokchini davlat ro’yxatidan o’tkazish to’g’risidagi guvohnomaning nusxasi;

■ tender ishtirokchisi haqida umumiy ma’lumot;

■ oxirgi 3 yil uchun moliyaviy hisobot (№1 shakl va №2 shakl);

■ shunga o’xshash sohada kamida 8 yillik tajriba;

■ so’nggi 5 yil ichida tender asosida sotib olingan mazkur dasturiy ta’minotni ilgari yetkazib berganligi to’g’risidagi ma’lumotlar, buyurtmachilardan tavsiyaviy xatlar;

■ tender ishtirokchisi qayta tashkil etish, tugatish, bankrotlik bosqichida emasligini ko’rsatuvchi kafolat xati;

■ tender ishtirokchisi sud yoki hakamlik muhokamasi holatida emasligini tasdiqlovchi kafolat xati;

■ ishlab chiqaruvchi/distribyutorning O’zbekiston Respublikasi hududida dasturiy ta’minotni sotish huquqini beruvchi ruxsatnomasini tasdiqlovchi sertifikat yoki ruxsatnoma nusxasi;

■ tender ishtirokchisi tomonidan tasdiqlangan faoliyat turiga ruxsat beruvchi hujjatlar nusxasi.

**Dasturiy ta’minotni yetkazib berish shartlari:**

■ sotib oluvchining manziligachga yetkaziladi (Toshkent shahri, Bobur ko’chasi, 77-uy).

■ Yetkazib berish muddati: boshlang’ich to’lov amalga oshirilgandan keyin 10 (o’n) ish kuni davomida.

■ Tender hujjatlari 2024-yil 11-noyabr Toshkent vaqti bilan soat 17:00 ga qadar Toshkent shahri, Bobur ko’chasi, 77-uy manzilida qabul qilnadi.

| Yetkazib beriladigan dasturiy ta’minotning tavsiflari:   |                                 |
|----------------------------------------------------------|---------------------------------|
| Mahsulot nomi va tavsifi                                 | Protssessor litsenziyalari soni |
| Oracle Database Enterprise Edition — Processor Perpetual | 16                              |
| Software Update License & Support                        | 16                              |
| Oracle Diagnostics Pack - Processor Perpetual            | 16                              |
| Software Update License & Support                        | 16                              |
| Oracle Tuning Pack - Processor Perpetual                 | 16                              |
| Software Update License & Support                        | 16                              |

**“O’zRTXB” AJ ma’lumotlarni qayta ishlash markazi serveri tavsifi:**

- Ishlab chiqaruvchi: Intel.
- Protssessor turi: (CISC) Intel® Xeon® Gold 6242 2.8G, 16C/32T, 10.4GT/s, 22M Cache, Turbo, HT (150W) DDR4-2933.
- Foydalaniladigan protssessorlar soni: 2.
- 1 protssessor uchun yadrolar soni: 16.
- Operativ xotira hajmi: 1 TB.

## Халқ сўзи

## Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1042. 12 718 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Өфсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.

Газетани ҳақиқатда маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 0013-6788

47720330478004

Тахририятга келган қўлаёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавбгар.

Газета тахририят марказида термалар ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик ҳиждатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислом Қаримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.

Мусахҳих — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.30 Топширилди — 00.20 1 2 3 4 5 6